420994

ИСТИҚЛОЛ, ҲАР ДИЛДА МАШЪАЛ БЎЛИБ ЁН!

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 31 август, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
№ 41 (6628).

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ ВА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЗИЁЛИЛАР!

ИСТИҚЛОЛ МАЪРИФАТИ

Ҳар бир миллат, агар у ўзлигини англаган бўлса, қуллик ва истибдод чангалида қолган тақдирда ҳам ўзининг буюк қисмати, улуғ истиқболи тўғрисидаги ўй-орзуси, армон-ниятларини, озодлик, она юрт ва оила каби уч мукаррам қадрият билан боғлиқ эзгу туйғуларини маърифатли инсонлар қалбида сақлаб юради. Истиқлол ҳам энг аввало мана шу маърифатли юракларда қарор топади ва маънавий шуур билан йўғрилган фидойи юракларнинг интилишлари туфайли рўёбга чиқади.

Истиқлол маърифати, энг аввало, улуғ ғоя ва мақсад билан йўғрилмоғи лозим. Маърифатга доимий интилиш бўлмас экан, улуғ ғоя ҳам маънавиятсиз муҳитда бузилиб, бачкана ва сохта нарсага айланади. Маърифий такомил бор жойда ғоя ва мақсад улуғворлашади, юксак мақсад сари интилган инсон ва жамият келажаги ҳам улуғ бўлади.

Истиқлол маърифати давлат қудратини ошириш, жамиятда адолат ва ҳамжиҳатлик туйғусини мустаҳкамлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш ва унинг тафаккури имкониятларига кенг йўл очишга хизмат қилмоғи лозим. Истиқлол маърифати том маънодаги янги тафаккур ва соғлом фикр демакдир. Истиқлолдек буюк ғоя тафаккурий парвариш паноҳида бўлмас экан, натижа самарасиз, мақсадга эришиш машаққатли бўлиши мумкин. Фақат доимий тафаккурий ҳаракатгина истиқлолнинг ҳақиқий қадр-қимматини белгилайди. Шу билан бирга, миллат ва давлатнинг ҳозирги тўхтамида, яъни истиқлолнинг бошланғич палласида маърифат ва билим қатори ўша даражада фидойилик ва ишбилармонлик керак бўлишини унутмаслик лозим. Муваффақият аксарият дадил ҳаракат қилувчиларга насиб бўлади, дадил ҳаракат эса шижоатни талаб қилади. Шижоатни эса, бобомиз Авлоний таъкидлаганидек, инсонга маърифат бахш эта олади.

Истиқлол маърифати инсон юрагида, жамият қатламларида мавжуд жаҳолатга қарши кураш жабҳасидир. Жаҳолат ҳукмрон давр ҳамиша инқироз даври бўлиши руҳна тарих сабоқларидан маълум.

Истиқлол маърифатининг шуури даставвал ҳар бир хонадонни ёритмоғи лозим. Чунки бугун ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд парваришлаётган ота-оналар Ватан истиқболини, демакки, миллат ва мамлакат тақдирини яратмоқдалар. Шундай экан, оилавий тарбия, оилада маънавий муҳитни соғломлаштириш давлат миқёсидаги буюк ва эзгу мақсаддир.

Давлат миқёсидаги улуғ ишлардан яна бири маориф соҳаси билан боғлиқ. Илло, ёш давлатимиз қудрати иқтисодий ислоҳотларга нечоғли боғлиқ бўлса, бу маориф ва мактаб билан шунчалик, балки кўпроқ даражада боғлиқдир. Зеро, оила каби мактабда ҳам истиқлол ва давлат келажагига замин яратилади.

Бугун инсоният тараққиёти бошида бораётган АҚШ ва Япония каби давлатларнинг маориф соҳасида кўрсатган ғамхўрликларига бир назар ташлайлик. АҚШнинг собиқ президенти Эйзенхауэр СССР томонидан илк сунъий ер йўлдоши учирилганда, америкаликларга мурожаат қилиб «Бугун мактабларимиз биз учун барча ҳарбий радиолакацион кузатув станцияларимиздан кўра минг карра муҳимроқдир. Зеро, мактабда атом қувватидан кучлироқ қудрат мужассам», — дея хитоб қилган эди. АҚШнинг яна бир президенти Р. Рейган ҳам «Америка келажаги — маърифий тараққиётда» деган шиорни олға сурган эди. Жорж Буш эса ўз президентлигининг биринчи кунида АҚШ конгрессига йўллаган мактубини «Мен маориф президенти бўлишни истардим, сиз ҳам маориф конгресменлари бўлингиз», деб якунлаган эди.

Энди Японияда маориф соҳасига бўлган муносабатни кўрайлик. Кунчиқар мамлакати истиқболи билан шуғулланадиган иқтисодий режалаштириш кенгаши олтмишинчи йилларнинг бошида шундай хулосага келган эди: «Мамлакатларнинг иқтисодий баҳси аслида фан ва техника соҳасидаги баҳс, демак, бу маориф соҳасидаги баҳсдир». Япон олимларининг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий ва технологик қувватини оширишда бирор бир соҳа маорифчалик кўп ҳисса қўша олмайди. Маориф, деб таъкидлайди улар, Японияни тараққиёт сари олиб борадиган қудратли локомотивдир. Маорифга бўлган бундай муносабатни Европа ва Осиёдаги барча илғор давлатларда кузатиш мумкин.

Истиқлол қучган ёш давлатимиз ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб маориф соҳасини такомиллаштириш, мактабда ислоҳот ўтказиш, ўқитувчилар турмушини яхшилашга катта эътибор бериб келмоқда. Маориф билан баробар оилага кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам диққатга сазовор. Маориф ва оила ҳамкорлиги энг аввало жамиятдаги маънавиятни мустаҳкамлайди. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир».

Маънавиятни мустаҳкамлашда энг муҳим соҳа миллий таълим соҳасидир. Миллий таълим ўзига хослигини тиклаш билан бирга жаҳон маданияти тажрибаси ва умумбашарий қадриятларидан, Ўзбекистонда мавжуд кўп миллатли жамият анъаналаридан ажралиб қолмаслиги керак.

Истибдод чангалида азоб чеккан боболаримиз истиқлол ҳақида орзу қилар эканлар, улар, энг аввало бутун ўй-орзуларини мактаб билан боғлаганлар. Асримиз бошидаёқ Авлонийнинг: «Миллат руҳини кўтаруб турган мактаб эмасми?!» деган хитоби то бугунгача маърифат аҳлини безовта қилади. Бу хитоб билан истиқлолгача бўлган давр мобайнида не-не донишманд боболаримиз миллий истиқлол ва маърифат йўлида қурбон бўлдилар. Бугун биз — истиқлол даврининг одамлари шаҳид аждодларимиз орзу қилган кунга етдик. Қаршимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Аммо манзилимиз нурли бўлишига ишончимиз комил. Истиқлол маърифати — боболаримиз маънавий хазинасидаги бебаҳо ҳикматлар, улар қолдирган илму урфон боғида яшнаб турган тафаккур неъматлари бу ишончга ҳар лаҳза қувват улашади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ушбу сўзлари бу ишончни яна мустаҳкамлайди: «Улуғ келажак олдинда. Ва у бизнинг — Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган муштарак ишимизга куч-қувват, ғайрат бағишлайди».

Хуршид ДАВРОН,
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари.

АЙЁМОЛДИ ХУШХАБАРЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳотам Абдурайимов пойтахт педагогларининг август кенгашида шаҳар ҳокими янги ўқув йилидан мактабларни қурилиш материаллари билан таъминлашни ўз зиммасига олганлигини маълум қилди.

Биз эса Тошкент шаҳар ҳокими Козим Носирович Тўлагановни жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги муносабати ила қизғин муборакбод этамиз ва эзгу ниятларингиз ижобат бўлаверсин, деймиз!

●

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими Тўлқин Мирёқубов педагогларга туман ҳудудида транспорт воситаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини берувчи фармойишга имзо чекди. Шу мақсадлар учун кетадиган маблағ тахминан 125 минг сўмни ташкил қилади.

●

Самарқанд вилоятн ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорига асосан 9478 ўқувчи ўрнига эга бўлган 27 та янги мактаб ва 420 ўрнили 4 та боғча бинои фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган куннинг уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 25 августдаги Фармонига биноан ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш, жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона меҳнати, иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, ёш авлодни ватанпарварлик, республика миллий мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун турли соҳа вакилларидан бир гуруҳи ҳукуматимизнинг олий мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида халқ таълими, фан, адабиёт ва санъат намоёндалари ҳам бор.

МУКОФОТ МУБОРАК!

«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) — халқ ёзувчиси (марҳум).

Ахмедов Бўри — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бош илмий ходими, Тошкент шаҳри

Воҳидов Эркин Воҳидович — халқ шоири

Ёқубов Одил — халқ ёзувчиси

Жалолов Абдураҳмон — Ромитан тумани Рудакий номидаги 24-мактаб директори, Бухоро вилояти

Исроилова Зулфия — халқ шоири

Қайипбергенов Тўлепберген — халқ ёзувчиси

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги

Муҳаммаджонов Зокир — халқ артисти

Муҳаммадиева Норой — Бахмал туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Орипов Абдулла — халқ шоири

Фозилов Ҳосил Фозилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Тошкент техника университети профессори

Юсупов Шукурулло — халқ шоири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Азимов Ботир Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик фанлари академияси академик-котиби

Аҳмедов Раҳим — халқ рассоми

Бурхонов Мутал Музаффарович — бастакор

Давоми учинчи бетда

Зоҳиджон ОБИДОВ

ЖАҲОН ҚУТЛАР

АЛЁР

Яйролмаган лим яйра, эрк бўлди ёр,
Яшнолмаган диллар яшна энди минг бор.
Қадр топдинг, тобеликни кўрма зиҳнор,
Йулинг — баҳор, тилинг — баҳор, бағринг — баҳор,
Қутлуғ даврон насиб бу кун, янгра алёр!

Бор бўл дину тилимга хуш боққан замон,
Таъқибларни хазон қилиб ёққан замон.
Завқ дарёси бўлиб дилга оққан замон,
Ҳумо рамзин пештоқларга таққан замон,
Жасоратли айём учун, янгра алёр!

Вайроқларга ой, юлдузли осмон кўчди,
Кўксини тонг, этагини бўстон қучди.
Ҳилпираши журъатларга журъат қўшди,
Юракларда тошқин мисол ғайрат жўшди,
Жаҳон қутлар бўлиб мафтун, янгра алёр!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш юзасидан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси Ag 99,9 пробали, вазни бир унция — 31,103 граммдан иборат кумушдан тайёрланган. Сариқ рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб, Au 99,9 пробали олтин (10 миллиграмм) билан қопланган, вазни 28,28 граммдан иборат.

Юбилей тангалари диаметри 38,6 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонида айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей тангаларининг юз томонида Амир Темурнинг Тошкент шаҳридаги ўрнатилган ҳайкали тасвирланган, юқори қисмида «TOSKENT» ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида ҳайкал айланаси бўйлаб «AMIR TEMUR HAYKALI» ва «10 SOM» ёзувлари бор.

Юбилей тангаларининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, «ÖZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 3 YILLIGI» ва «1994» ёзуви бор. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангаларининг бўртган қисмлари тарамтарам чизиқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей тангалари чекланган миқдорда бўлиб, нумизматик қийматга эга ва ким ошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархларда сотилади.

Тошкент шаҳридаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-мактаб ўқитувчилари ўз шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Улар жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида, ҳатто жаҳон бўйлаб мактаб шаънини оламга ёйиб юришибди. Аммо қадрдон гўша кейинги вақтларда таъмирталаб бўлиб қолганди. Бунга шу йилнинг май ойидан киришилди. Тошкент таъмирлаш бошқармасининг РСУ—5, СМУ—1, СМУ—3, СМУ—7 ташкилот қурувчилари жонбозлиги натижасида 910 ўринли 24-мактабнинг эски биноси ялпи таъмирдан чиқди ва унинг ёнида эса 930 ўринли янги бино ҳам қад ростлади. Янги бинони 159-қурилиш трестининг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қурдилар. С. Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудираси Мақсуда Одилованинг бош-қошлиги, мактаб директори Абдушукур Икромовларнинг тиниимсиз саъй-ҳаракатлари бонс, мактаб 1-сентябрда ўз бағрига ўқувчиларни қабул қилиб олади. Мактаб ўқитувчилари эса ҳар томонлама шинам, гўзал спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, ёруғ ошхонаси билан кўркам тўрт қаватли бинода ўз фахрлари бўлмиш — шогирдларига сабоқ берадилар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ХАРИТА

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Қалб эҳтироми

Навбатчи ўқувчи елиб-югуриб синфхонани дарс учун тайёрлайди: дунё харитасини олиб келиб, деворга илади. Устурлоб — глобусни келтиради. Бўр тайёр. Муаллимнинг келишини кутамиз. Эшик очилиб, барваста, узун бўйли ўқитувчи киради. Синф журналини столга қўйиб-қўймай, салом беради, барчамизга зеҳн солиб қарайди. Ўтиришга ижозат беради. Дунё харитаси эса муаллимдан аввал бизга сир айта бошлайди: музликлар, саҳролар, дарёлар, тоғлар, қўллар номини... Биз бу олис номлар ҳайбатидан лол бўламиз. Чўкот ярим ороли, Кушка, Помир чўққиси, Филиппин ороллари, Босфор бўғози, Арктика... Ўсимликлар, ҳайвонот олами; вулқонлар, лаъвалар, тошқинлар... Ана, «арслон ёлли» қизил рангли харита — СССР харитаси... Унда Ўзбекистон деган жаннат. Тайгани — биламан. Чегарани — кўрсатаман. Волга-Дон тарихи эсимда. ГЭСлар таржимаи ҳоли ёд. Кузбассдан — кўмир чиқади. Қайдан—мис, қайдан — яна бир маъдан. Менга ўргатадилар. Лекин менга Мурунтовнинг дунёдаги асил олтинини ўзимга бермай, қулфу калит қилиб, Московга олиб кетаётганларини айтмагансиз-а, азиз муаллим. Кумушконнинг бағрини титиб, далвадалва этиб, бутун хазинани ўмариб, мол эгасига ҳеч нарса қолдирмай, ташиб кетилганини ҳам билмасдингизми, азиз муаллим? Билардингиз, лекин иложсиз эдингиз. Сиз ғишт заводлари «ямлаб» ётган Бўстон қўрғони, Муллатош қишлоғидаги тепалар тарихини ҳам яхши билардингиз. Лекин, билиб, билмасликка маҳкум эдингиз! Бекорга Қизилтепа дейишмаган бу хосиятли жойларни, қизил — олтин дегани. Ҳар қадамида бир олтин тепаси бор юртимнинг сирларини Сиз сўйлолмасдингиз, биз билолмасдик...

Муаллимнинг ёғоч таёқчаси «шохлаб» кетган қизил-кўкиш «томирларда» югуради. Биз ундан мўъжиза кутамиз. Бир маҳал партага оқ қоғоз қушча келиб «қўнади». Муаллим — бизга ўгирилади, таёқчани дафтари устига қўйиб, бир-бир босиб синф оралайди. Ҳар қадам ташлаганда унинг боши салобат билан икки ёнга тебранади. Қоғоз «қуш»ча учиб кетолмай, парта устида «типирчилаб» ётади. Муаллим вазминлик билан «қушча»ни олиб, очадилар ва Хурсандой билан Гавҳар қаршисида тўхтайдилар:

— Хўш, Хурсандой, қани бу «қўш»инг нима деб сайрайди. Бир ўқиб бер-чи?

Хурсандой оппоқ юзлари қизариб, ҳижолат бўлиб ўқийди: «Тиёншон тоғининг теппасида Тоштемир тоғамнинг трактори тириллаб турибди».

— Баракалла, — дейдилар устоз. Болалар бирваракай кулиб бўлишгач, муаллим уни доскага чиқаради, қўлига таёқчани бериб, харита олдига чорлайди:

— Тиёншон қандай тоғ? Қандай қазилма бойликлари бор?..

Хурсандой тутилиб-тутилиб чала-ярим жавоб бергач, «мен айтаман, мен айтаман» кўпайиб кетади. Хуллас, Тиёншонни билгич болалар эканмиз. Лекин ануви Кўктоғ, Боботоғ, Шаҳрибарбартепа, Або Муслим кўприги, Ҳожати Бўстон, Мирза Азим Сомий Бўстоний ҳақида биз ҳеч нарса билмасдик. Ёнимизда оқаётган Дўрмон ариқнинг тарихи, тепаларнинг сир-синоатини билмасдик. Нега мевали дарахтлар камлигини биз қайдан билардик?

Одил Бўрон дарвозасида қари бир гужум дарахти бўларди. Унга минг турфа қушлар қўниб, кечқурунлари «базм» қуришарди. Мен ва дугоналарим дутор қўшиғини тинглагандай, мафтун тинглардик. Ана шу муаззам гужум — қайрағочнинг тилини билишни истардим. Юрагимда бу дарахтнинг суврати борми? Менга бол тутган буғдойзорларим шовуллайдими бу юракда? Саксовулзор, жинғилзор қирғоқларида бола очиб, сайраб юрган тувалоқ, қирғовул, ёзтовуқлар расми, исириқзорлар илдизи бормиди юрагим харитасида?

Жуғрофия муаллими Аллаёров бизга балки шуларни айтмоқчи, шу гўзал Ўзбекистон харитасини онгимизга, юрак деган кўзгумизга меҳрламоқчи бўлардилар-у, лекин...

Улар дунёга бир келдию, бир кетдилар. Давр ўзгарди. Тарих сўқмоқларига нур тушди. Кўмилган йўллар очилди. Истиқлол нури билан кўзимиз очилди, зулмат сеҳру жодуси барбод бўлди, ниқоблар ечилди.

Мана, энди жаҳон харитасига Ўзбекистон юрагидан нурлар таралмоқда.

Энди харита олдида турган устоз шогирдларига дунёга чиқаётган Ўзбекистон ҳақида сўзлайди. Унутилган даҳолар тақдиридан, Афросиёб давлати тарихидан, буюк Темур тузукларидан сўйлайди. Қорачироқ ёғдусида Қомуслар яратган алломалар асарларини шарҳлаб беради. Истиқлолга садоқатдан, Ватан тупроғига меҳру муҳаббатдан жўшиб гапиради. Бу янгиланиш, поклaниш, буюк миллий тикланиш палласида ўзини, ўзлигини, Миллатини, етти пуштини қайта танигандай бўлади. Мана шу туйғуни шогирдларининг Юрак Харитасига кўчиради...

Мен беҳад меҳнаткаш, камтарин муаллимларимни бугун ҳурмат ила ёдлайман. Уларнинг ўчмас хотираларини эъзозлайман: Аллаёров, Холмуродов, Аҳтам Муҳаммедов (бу устозни пахта деб нобуд бўлган етти навраста ўқувчининг ҳасрати, қайғуси йиқитди), Роҳила Муҳамедоваларнинг умрлари шогирдлар ҳаётида давом этаётганини кўраман.

Маорифнинг заҳматкашлари, Сизларни бугунги ёруғ кунлар шодлиги билан қутлайман. Келажак авлод қобил бўлса ҳам — Сиздан, ноқобил бўлса ҳам — Сиздан. Чунки устозлар — отадан улуғдир. Сизнинг қўлингизда оппоқ мусаффо юраклар харитаси турибди. Ана шу юрак — хариталарга нақш этганингиз аждодлар шони, Ватан муҳаббати, она табиат гўзалликлари, ўз юрти шарафи учун курашмоқ, озодлик ва ҳурлик учун жон тикмоқ туйғулари бўлгай! Менинг игна билан қудуқ қазган, мурғак юракларда чироқ ёққан устозларим: Раҳима Солаева, Муҳаббат Жўраева, Худойдод Бобомурод, муаллим, физиканинг пири Сувонов, Л. Н. Денисова, Теша Орзиев, Очилов, Азизов, Шавқи Расулов, И. Салимов, Ш. Шарипов — ҳар бири бир олам эдилар. Меҳр харитасида улар бир гўзал мамлакат бўлиб яшамоқда!

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА ТУҲФА

ҚАРШИ. Ёшларга ҳунар сирларини ўргатиш, уларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишишини таъминлашда шаҳардаги 12-ҳунар-техника билим юрти вилоятда алоҳида ўрин тутади. Кейинги уч йил ичида бу билим масканида илм олаётган ёшлар бир йўла икки-уч хил соҳа сирларини эгаллаш имконига эга бўлишди.

Илмгоҳ талабалари ҳам юртимиз фуқаролари қаторидаги мустақиллигининг уч йиллигини катта қувонч билан кутиб олишмоқда. Байрам арафасида 150 ўринли янги ётоқхона, 30 ўринли ўқув зали, ошхона талабаларга туҳфа этилди.

Ж. ЭШИМОВ.

ЯНГИ МУЗЕЙ ИШГА ТУШДИ

АНДИЖОН. Вилоят халқ таълими ходимлари тарихий музейининг очилиши ўқитувчиларга, таълим тизимида фидойилик қилаётганларга юртимиз раҳбариятининг кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолатдир.

Янги музейнинг очилишида вилоятдаги кўплаб фуқаролар қатори Туркия халқ таълими ҳамда Олий таълим вазирликларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар таълим-тарбияда бобокалонлар ўгити, ўтмиш таълими бўлими, мустақиллик ва халқ тизими, вилоят ҳунар-техника таълими тарихидан каби бир қатор бўлимларда акс этган таълимнинг ўзига хос йўналишларини экспонат ва кўргазмаларни томоша қилдилар.

Музей очилиши муносабати билан вилоятдаги ашула ва рақс дасталари, ҳаваскор хонандалар байрам концертини намойиш қилдилар. Кеча сўнгида илғор, тажрибали ва ишбилармон муаллимлар вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Абдуваҳоб ИҲЛДОШЕВ.

ЗИЁДАН НУР ЭМАР КУРТАКЛАР

Музаффар МАҲМУДОВ,
Қаршн шаҳар ҳокими

Дунёда ҳар бир халқ учун энг катта ва бебаҳо бахт — мустақилликдир. Бу бахт қуёши халқимиз боши узра балқиганига уч йил тўлди. Шу давр Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат сифатида жаҳонга танитди.

Мустақил мамлакатимиз олдидаги катта мақсадларни рўёбга чиқаришда ҳокимиятларнинг ташкилотчилик, эл-юртга ғамхўрлик, ҳаётнинг барча жабҳалари муаммоларини ҳал қилишда сезгирлик ва омилкорлик, фидойилик кўрсатишлари муҳим аҳамиятга моликдир. Улар у ёки бу ҳудудда ҳаёт томирининг қай даражада уришини билиш билан бирга уни зарур маромда бошқариш, соғлом муҳитни яратиш муҳандисларига айланишлари, айни пайтда маънавий уйғоқ бўлишлари керак. Биз бозор иқтисодига ўтиш шароитида Қарши шаҳри ҳаётини бошқаришда ана шу тамойилларга амал қилиб келяпмиз.

Инсонга ғамхўрлик ҳақида гап кетаркан, келажак эгалари — ёш авлоднинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳокимиятимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлаётганлигини таъкидлаш жоиздир. Таълим муассасалари моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш, уларнинг замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланишига ҳар томонлама кўмаклашиш, янги турдаги мактабларнинг кўпайишига имкон яратиш, ўқувчи ёшлар ва уларнинг мураббийларини бозор иқтисоди шароитидаги қийинчиликлардан муҳофаза этиш, уларнинг дам олиши, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш кабилар доимий эътиборимизда.

Шаҳримизда 38 та умумтаълим, 1 та халқ амалий санъати, 2 та кечки ва 1 та махсус мактаб фаолият кўрсатаяпти. Ўтган ўқув йилида 17-мактабнинг эски биноси ўрнига 440 ўринли янги комплекс, 16-мактаб учун 420 ўринли қўшимча бино, 4-мактабда эса жами 380 ўринли синфхоналар қурилиб, ишга туширилди. Бу йил эса 8-мактабга 420 ўринли қўшимча бино, Кат қишлоғида янги мактаб, шунингдек, 140 ўринли 2 та болалар боғчаси барпо этилди. Иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан таълим муассасаларига 631363 сўмлик жиҳозлар, ўқув ашёлари сотиб олинди.

Шаҳар ҳокимияти таълим муассасалари моддий-ўқув базасини кучайтиришнинг бошқа чора-тадбирларини ҳам кўрмоқда. Саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, хўжаликларнинг мактабларга оталиғини уюштириш ана шулар жумласидандир. Шўртангаз кон бошқармаси, 16-автосарой, Қарши ун комбинати, вилоят қурилиш трести ва бошқа жамоаларнинг оталиқ ёрдами туфайли 8 та мактаб капитал, бир қатор мактаблар жорий таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда таълим муассасалари бинолари ва ашёларини яхши сақлаш, авайлаб-асраш ҳамда 2-3 йилда бир марта таъмирдан чиқариш бўйича шаҳримиздаги 7-мактаб жамоасининг ташаббусини бошқа мактаблар ҳам қўллаб-қувватлаганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Таълим жараёнини замонавий техника воситалари орқали олиб бориш бугунги кун талабидир. Бунга биз эътиборни қаратиб, ҳар бир мактабда ЭҲМ хоналари бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача шаҳримиздаги 15 та мактабда «Правец 8А», «Корвет ПК-80» компьютерлари ўрнатилган.

Ҳокимиятимиз шаҳар халқ таълими бўлимининг иқтидорли ўғил-қизларга алоҳида эътиборни кучайтириш тадбирларини қўллаб-қувватлаб, амалий-ташкилий ёрдам бермоқда. Мактабларимизда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган синфлар, лицей-синфлар очилганлиги фикримизнинг далилидир. Шаҳримиздаги 1, 21, 25, 29-мактаблар қошида ўтган ўқув йилидан бошлаб инглиз, немис тиллари ва аниқ фанлар бўйича лицей синфлар фаолият кўрсатган бўлса, 1994-95 ўқув йилидан 26 ва 11-мактабларда ҳуқуқшунослик, спорт соҳаси бўйича лицей синфлар иш бошлайди. Бу янги турдаги синфларда мактаб муаллимларигина эмас, балки дорилфунун профессор-ўқитувчилари, хорижий тиллар бўйича эса 2 та америкалик муаллим ҳам ўқувчиларга сабоқ бераётирлар. Ўқитишнинг замонавий техника воситалари мактаб ҳаётига кириб бормоқда. Ўтган ўқув йилида 6 та умумтаълим мактабида биринчи бор битирувчи 11-синфларда химия фанидан оғзаки имтиҳон жаҳон таълим мезонларига мос келадиган ҳолда компьютерлар орқали ўтказилди. Имтиҳонда иштирок этган 215 ўқувчи яхши натижаларга эришди.

Мактабларимизда таълим сифатининг ошаётганлигини олимпиадалар натижалари ҳам яққол кўрсатади. Шаҳримиз ўқувчиларидан 14 нафари 14 фан бўйича республика олимпиадасида қатнашди, 4 ўқувчи иқтидорли ўқувчиларнинг республика кенгашида иштирок этди. Мактабларимиз ўқувчиларидан ташкил топган «Насаф» гуруҳи «Ўйла, изла, топ!» республика телетанловида ғолиб бўлди.

Ўқувчиларни мактабга тайёрлашда болалар боғчаларининг аҳамияти катта, албатта. Ҳокимиятимиз «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошираркан, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари муаммоларига ҳам алоҳида эътибор бераяпти. Натижада намунали боғчаларимиз сони ортиб боряпти. Масалан, Шўртангаз кон бошқармасига қарашли Нодира номидаги болалар боғчаси республикамизга танилди.

Ҳокимият Президентимиз фармонлари асосида бозор иқтисодига ўтиш шароитида халқ таълими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини изчил амалга ошираётир. 1275 ўқитувчига ўзи яшаётган уйлар хусусийлаштириб берилганлиги, 67 муаллимга шахсий уй қуриш ва дала ҳовли учун 6-8 сотихдан ер ажратиб берилганлиги, 110 ўқитувчи уй билан таъминланганлиги, шунингдек, мактаб жамоаларига совғалар, мева-сабзавот маҳсулотлари берилаётганлиги ва бошқалар фикримизнинг далилидир. Халқ таълими ходимларининг дам олишига, саломатлигини мустаҳкамлашига ҳам ғамхўрлик қиляпмиз.

Умуман, олганда, таълим-тарбия муассасалари биз учун истиқбол бешиги. Бутун умидимиз, ишончимиз ҳам ундандир. Чунки бу маърифат масканларида ёш авлод вояга етмоқда. Мустақиллик зиёсидан нур олиб, бўртаётган бу куртакларни қанчалик яхши парвариш қилсак, халқимизнинг бой маънавий хазинасидан қанча кўп баҳраманд этсак, у шунчалик бақувват, серҳосил ниҳолга айланади, юртни, жамиятни таъминлайди.

Бир соатлик дарс

ЮРТНИ СЕВ, ТУПРОҒИН ЎП!

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлди. Эндиликда республикамизнинг давлат рамзлари бўлган давлат байроғи ва давлат тамғаси бор. Тарих фани муаллимлари олдида турган шу куннинг энг асосий вазифаларидан бири ёшларга мустақил республикамизнинг минг йиллик бой тарихи, қадриятлари, урф-одатларини чуқурроқ ўргатиш ва Ватан ғурурини юракларга сингдиришдан иборат.

Маълумки, бугунги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар вақтида, айниқса, тарих фанини ўқитиш, хусусан, Ўзбекистон халқлари тарихини ўргатиш ўқитувчиларга бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Қийинчиликлардан бири мукаммал режанинг ва ўқувчилар, муаллимлар учун дарсликларнинг, шунингдек, бу фан бўйича кўргазмали қуролларнинг етишмаслигидир. Шунга қарамасдан, кейинги йилларда ёзувчилар, публицистлар ва олимларимиз томонидан ёзилган кўплаб тарихий мақолалар газета ва журналларда ёритилмоқда, китоблар чоп этилмоқда. Хусусан, «Темурнома», «Темур тузуклари», «Темур ўгитлари», ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Абулғози Баҳодиршоҳнинг «Шажараи турк», «Хоразмшоҳлар шажараси», Ҳ. Вамберинг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», Амир Олимхоннинг «Бухоро халқларининг ҳасрати тарихи» ва бошқа кўплаб асарларнинг китоб ҳолида чиқиши биз тарих муаллимлари учун зарур манба сифатида фойдаланишга имкон беради.

Яқинда мактабимизга янги дарсликларнинг келтирилиши биз учун қувончли ҳол бўлди. Ўз фанини севган, ардоқлаган муаллим ўзига керак тарихий материалларни топиб, дарснинг қизиқарли бўлиши учун ҳаракат қилади. Мен ҳам ўз дарсларимнинг бугунги кун талабига жавоб бера оладиган, юқори савияда бўлиши учун ҳаракат қиламан. Ўқувчиларда тарихимизга меҳр, Ватанга садоқат руҳини шакллантиришга, миллий қаҳрамонларимиз, ҳарбий саркардаларимиз ҳаёти, уларнинг тарихдаги ўрни ҳақида чуқурроқ маълумот беришга, дарснинг жонли ва таъсирчан чиқишига интиламан.

Дарсда кўргазмалилик алоҳида аҳамиятга эга. «Минг бор эшитгандан, бир марта кўрган афзал», деган ақидага амал қилиб, машғулотим қуруқ гапдан иборат бўлмаслиги учун 9-, 10-, 11-синфларга алоҳида кўргазмали қуроллар тайёрлаб ўз ўрнида фойдаланаман.

Янги ўқув йилига «Ўзбекистон халқлари тарихи» курсига оид тарих хонасини тайёрладим. Албатта, бу фанга оид хонани жиҳозлаш осон иш эмас. Бу борада шаҳар халқ таълими бўлими методисти Зуҳра Мирзабоева яқиндан ёрдам берди. Бир нча бор дарсларимни кузатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тарих хонамизнинг жиҳозланиши қуйидаги кўринишдан иборат: хонанинг олд томонида синф тахтаси, юқорисида ўзбек шеъриятининг султони, давлат арбоби ҳазрат Алишер Навоийнинг сурати. Тахтанинг ўнг томонида республикамиз давлат байроғи, чап томонида мустақиллик рамзи — Давлат герби. Эшикдан кираверишда, ўнг томондаги китоб жавонида Ўзбекистон тарихига оид турли бадиий китоблар, тарих фанига оид методик қўлланмалар чиройли қилиб териб қўйилган.

Хонанинг орқа томонидаги девор юқорисида «Туроназаминнинг қадимги давлатлари» деган ёзув бўлиб, пастига икки қаторга «Ўзбек халқининг шаклланиши», қадимги давлатлар: «Кушонлар давлати», «Эфталитлар давлати», «Турк хоқонлиги», «Сомонийлар давлати», «Хоразмшоҳлар давлати», «Амир Темур давлати», «Ўзбек феодал хонликлари» каби қатор маълумотлар бир хил катталикда картонга ёзилган. Унинг пастида эса «Ватанни сев, тупроғини ўп!», «Қадимий ёдгорликлар бебаҳо бойлигимиз», «Тарих ва тақдир», «Туркистон пири», «Гўри амир», «Соҳиб қирон Амир Темур ўтган йўллар» каби ёзувлар битилган, турли рангли расмлар ва схемалар ўрин олган.

Хонанинг чап девори юқорисига «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари», пастида «Бухоро амири», «Қўқон хони», «Қадимги тақинчоқ ва сопол идишлар», «Маҳмуд Торобий қўзғолони», «Босмачилар кимлар эди?, «Султон Санжар қўзғолони», «Биз саводсиз бўлганмизми?» каби ёзувлар ва турли рангли суратлар жойлашган. Унг томондаги деворга буюк саркарда, бобомиз Амир Темур, астроном, подшоҳ Мирзо Улуғбек, ҳам шоир, ҳам саркарда Бобур Мирзо суратлари илинган, тагига уларнинг ибратли сўзлари ёзилган. Бундан ташқари, Абу Райҳон Беруний сурати ва унинг энг муҳим асарлари рўйхати ўрин олган. «Мерос» деб аталган деворий газетамизда Мустақиллик кунига бағишлаб материаллар ёритдик. Хонамиздан Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги Мустақиллик декларацияси ҳам жой олган. Турли хил хонаки гуллар, деразалардаги яшил ранг пардалар хонага ўзгача шинамлик бағишлаб турибди.

Янги ўқиш кунимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг уч йиллигига тўғри келди. Биринчи дарсда мустақиллик, машъал диёр мавзуига кенг ўрин берилади. Мен ҳам Ўзбекистонимизнинг ўтмиши ва келажаги, мустақиллик борасида Президентимизнинг қатъий тутган йўли тўғрисида ўқувчиларимга зўр ҳаяжон билан атрофлича сўзлаб бераман. Дарс сўнггида севимли шоирларимизнинг Ватан, Ўзбекистон ҳақидаги шеърларини ўқувчиларимга етказаман.

Хуллас, эртанги дарсим ўқувчилар хотирасида муҳрланиб қолишини истайман!

Жумабой ДАВЛАТМУРОДОВ,
Беруний шаҳар генерал С. Раҳимов номидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ВАТАН—НОМУС, ВАТАН—ИЙМОН, ВАТАН—ЖОН!

Олимжон МИРЗАЕВ,
«Ўқитувчи» нашриёти директори:

Илк кузак шамоллари боғлару тоғлар, кенг далаларга, юртимизнинг барча шаҳру қишлоқларига чексиз шодлигу фараҳлар таратадиган қутлуғ айём арафасида турибмиз. Кўнглимиз улуғ ниятларга, орзую режаларга лиммо-лим. Зеро, истиқлол шундай бир сарчашмаки, энг эзгу инсоний туйғулар руҳиятимизга нур бўлиб қуйилаётир.

Дарҳақиқат, Президентимиз «Одамлар онгида ислоҳот қилмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди», — деган эдилар. Одамларимиз онгида бошланган ўша ислоҳот яхшиликдан, эзгуликдан дарак бермоқда. Боқимандаликдан, расмиятчилигу тўрачиликдан халос бўлаяпмиз. Меҳнатнинг қадрини англаяпмиз.

Нашриётимиз чет мамлакатлар билан тўғридан-тўғри китоблар олди-берди қилиш имкониятларига эга бўлди. Дарсликларни ўзимизнинг олимлар ёзишмоқда. Қисқаси, жуда катта имкониятларга эга бўлдик. Эндиги вазифамиз истиқлолнинг бу туҳфаларини эзгулик ва ободлик учун ишлатишдир.

Дарсликлар орқали ўқувчилар онгига миллий ғурур миллий ифтихор тушунчаларини сингдиришимиз, уларни қадриятларимиз ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашимиз, истиқлол сарчашмасининг посбонлари қилиб вояга етказмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ёлғош ШИРИНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси:

Бошланғич синфларга дарс бера бошлаганимга 45 йил тўлди. Бахтиёрман, 60 йиллик тўйим истиқлол кунларига тўғри келди. Бундан тўрт-беш йил бурун Президент, туғро, миллий байроқ, БМТга аъзо бўлиш ҳақида ким ўйлабди дейсиз. Халқимизнинг оташнафас фарзандлари асримиз бошидаёқ шу қутлуғ мақсадни дея шаҳид кетдилар.

Ҳар сафар ўзим ишлаётган Пайариқ туманидаги 20-мактабнинг биринчи синф ўқувчиларига сабоқ беришни бошлаганда ана шуларни қайта-қайта таъкидлайман. Юрт учун фидойиларча меҳнат қилган, чуқур илм олган кишиларгина мамлакат байроғини дунё узра янада баландроқ кўтаради, деб айтаман.

Алишер ТОШМУРОДОВ,
Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтининг 1-курс талабаси:

Талаба бўлишнинг ҳаяжонлари ҳақида гапириб ўтирмайман. Буни бошидан ўтказганлар билади.

Мен шуни айтмоқчиманки, олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар учун тест усулини ўйлаб топганларнинг отасига раҳмат. Шу ҳалол, адолатли усул туфайли 180 балл кўплаб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим.

Дарвоқе, тест усули истиқлол шарофатидандир. Яхши мутахассис бўлиб, истиқлолимиз учун хизмат қилишни дилимга тугиб қўйдим.

Чет эл давлат арбоблари Ўзбекистон ҳақида

Қадимдан бир маънавий руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг, айниқса, бугунги масъулиятли даврда — ақл-заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарнинг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон кейинги юз йил мобайнида қанча ютуқ-ларга эришган бўлса, мустақилликнинг дастлабки ўн йилида ундан юз баравар, балки ундан-да кўпроқ ютуқларга эришади. Мен бунга ишонаман. Чунки истиқлолга эришгандан сўнг ўтган тарихан ғоят қисқа — атиги икки ярим йил ичида амалга оширилган ишлар, ютуқлар бунга тўла асос бўлади.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикаси Президенти.

* * *

Ҳозирда мустақилликка эришган ўзбек халқи ҳам, ўз навбатида, буюк давлатлар ва европалашган мамлакатлар тараққиёти даражасига, албатта, етиб олади.

Франсуа МИТТЕРАН,
Франция Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан биридир. Мамлакатингиз қадимий маданиятга ва катта иқтисодий имкониятга эга.

Ли ПЭН,
Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши Раиси.

* * *

Япония билан Ўзбекистоннинг ўзаро фойдали ва ҳар томонлама ҳамкорлиги мамлакатларимиз халқларининг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Цутому ХАТА,
Япония Бош вазири.

* * *

Қадимий «Ипак йўли» маркази бўлган Самарқандга сафаримиз хотирамизда узоқ сақланиб қолади. Биз гўёки давлатингиз тарихининг шонли саҳифаларини варақлагандек бўлдик... Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Сизнинг раҳбарлигингизда куч-ғайратларини бирлаштириб, мамлакатни равнақ топтириш йўлида меҳнат қилаётганидан бағоят таъсирландим.

Ким Ен САМ.

***

Ишончим комилки, инглиз ва ўзбек компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг имкониятлари катта. Шу боис, савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги меморандумни имзолаш мен учун кўнгилли бўлди.

Тим ЭГГАР,
Буюк Британия Энергетика вазири.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Боши биринчи бетда.

Ғаликеев Чингиз Губайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик фанлари академияси мутахассиси

Ериев Равшан — Каттақўрғон театрининг бош режиссёри, Самарқанд вилояти

Жабборов Жуманиёз — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат мукофотлари қўмитаси масъул котиби

Зокирова Мастура — С. Раҳимов туманидаги 21-болалар поликлиникаси бош врачи, Тошкент шаҳри.

Камолов Собир — академик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

Қодиров Пиримқул — халқ ёзувчиси

Қориева Бернора Раҳимовна — халқ артисти

Кўчимов Абдусанд — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Назаров Абдураҳмон — Норин туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Нормуродов Абдурашид — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Ёшлик» студияси бош муҳаррири

Отабоева Бекпошша — Урганч туманида жойлашган С. Қаландаров номидаги мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Самадова Мавжуда Сандовна — пенсионер, Тошкент шаҳри

Тешабоев Нормуҳаммад Ашуралиевич — Асака шаҳридаги 5-мактаб директори, Андижон вилояти

Улуғова Муҳтарама Маматхоновна — журналист

Ҳусанхўжаев Саидаҳмад (Саид Аҳмад) — халқ ёзувчиси

Шоабдураҳмонов Шоназар — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тилшунослик институти маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Ёқубова Рисқи — Оққўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ОЛИЙ НИШОН СОҲИБЛАРИ

ДИЛ ИЗҲОРИ

Республикамиз мустақиллигининг уч йиллик байрамини мен ҳам оила аъзоларим, қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар билан қувончларга тўлган ҳолда кутиб олмоқдаман. Улуғ байрам арафасида Республикамиз Президенти фармонига кўра, «Дўстлик» ордени билан тақдирланганимдан бошим осмонга етди.

Мана, 39 йилдирки, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётирман. Ҳар бир дарсда ўқувчиларимга гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизнинг келажаги буюклигини, эртанги порлоқ кун учун ҳар бир фуқаро фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиши зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Тўрт ўғил, уч қизим бор. Фарзандларим Илҳом ва Мавжуда менинг изимдан боришмоқда. Ислом — қонуншунос, Ғулом билан Ботир — қурувчи-муҳандис, Матлуба — ҳамшира, Саломат — талаба. Улар ҳам мустақил республикамиз байрамини меҳнат ва ўқишда ютуқлар билан кутиб олишмоқда.

Ҳаёт қувонч ва ташвишлардан иборат. Мен ҳамкасбларим ва дўстларимга ҳамиша ҳаёт қувончлари ва тўй ташвишлари ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан. Байрамингиз муборак, азизлар!

Норой МУҲАММАДИЕВА,
Бахмал туманидаги 13-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Мустақиллик шундай бир улуғ эркинликки, унинг фақат эълон қилинган кунигина эмас, ҳар дақиқаси байрам қилишга арзийди. Инсон ота-бобосидан мерос қолган Ватанни ўзиники деб ишона бошласа, у билан боғлиқ машаққатлар ҳам одамга азиз туюлади. Агар мен олдинги байрамларда хурсанд бўлмаганман, ҳозиргисида хурсандман десам, гапим ёлғон бўлади. Байрам барибир одамни оддий кунлар ташвишларидан узади. Аммо бугунги қувончим жуда бошқача. Чунки дунёда озодликдан буюкроқ шодликнинг ўзи йўқ. Озод инсон ўзини инсон эканлигини сезади. Озод одамни алдамайдилар, озод одам алданмайди. У ўз қадрини билади, номуси, иззати топталмайди. Оламда таҳқирдан, ҳақоратдан ёмонроқ нарса йўқ. Куллик эса ҳақоратдир. Чунки сенга тангри берган ақл, ирода, ҳатто исм ҳам ўзингга эмас, ўзгага бўйсунади. Мен халқимнинг ана шундай таҳқир, ҳақоратлардан қутулиш имкониятига эга бўлганидан қувонаман. Шунинг учун бу байрамнинг ҳар лаҳзасини жонли бир мавжудотдек бағримга босгим, қутлагим келади.

ВАТАН — НОМУС, ВАТАН — ИЙМОН, ВАТАН — ЖОН!

ОЗОДЛИКДАН ЎЗГА ШОДЛИК ЙЎҚ

Бизнинг тарафларда кўздан дарак бор:
Лаҳзалари — яроқ, лаҳзалари — гул.
Тўлқинларга нақш чизади шамол,
Кўнгиллар — чавандоз, хаёллар — дулдул.
Ўзбек табассуми—юрагидай кенг:
Бу кузак бизларни бахтга етаклар.
Бу кузак қиммати кўп йилларга тенг,
Эрта ҳақиқатга кечар эртаклар.
Халқим, кузагинг кўп, байрамларинг кўп:
Мудом кузак, байрам насибанг бўлсин,
Гул бўлиб кўкласин сен қадаган чўғ,
Умринг ниятингдай оқликка тўлсин.

Мен Тангри пешонамизга озодликка етишиш учун берган имконни бой бериб қўйишимиздан ҳадиксирайман. Кўп йиллик алдов одамларимизни анча лоқайд қилиб қўйган. Кўпчилик бўлаётган буюк ўзгаришларни тўла англаб етмаётганга ўхшайди. Узини ўнглаб олишга, хатоларини тузатишга уринмайди. Озодлик энг улкан эзгуликдир. Эзгуликка фақат эзгу йўл билан бориш мумкин. Бошқа йўлдан бораман деганлар хато қиладилар. Мен мана шу хато умри чўзилаётганига чидагим келмайди. Мен барибир Ватан озодлигининг келажагига ишонаман. Оққан дарё оқмай қолмайди дейдилар. Араб, мўғул, ўрусия... ҳаммасидан асорат қолди. Лекин миллат барибир тирик-ку! Тилимиз тирик-ку! Шунча осилиш, отилиш ва ҳоказо қатағонлардан тирик қолган халқ энди озодлик имконига етганида албатта кўкаради. Шунинг учун иллатлардан қутула олмаётганимиз, нафс балосини енга олмаётганимиз, бир-биримизга кенг бўла олмаётганимиз жон-жонимни оғритса-да, эртанги кунга умидвор қарайман.

Юртбошимиз байрамга тайёргарлик масаласига бағишланган бир мажлисда: «Байрамни шундай ўтказиш керакки, ундан фақат бизга хайрихоҳлар эмас, балки хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам қувонсин», деган эдилар. Байрамнинг ҳар сонияси чиндан ҳам шунчаки намойиш, ўйин-кулги бўлиши керак эмас. Унда мазмун бор бўлсин, юрт бор бўлсин. Унда тарих, тақдир бор, ахир! Байрам одамни фақат қувонтирмайди, ўйлантиради ҳам. Байрамнинг бундан кейинги умри бизга боғлиқ. Инсон боласи қувончни яхши кўради, бахтни яхши кўради. Қувончи, бахтининг умри узун бўлишини хоҳлайди. Истак, албатта, яхши. Лекин истак рўёби ўчун ҳар бир инсон байрам баҳона ўз умрига ҳисоб ҳам бериши керак.

Тасаввуримда Мустақиллик майдони. Озодлик билан юзма-юз турибман. Беихтиёр ўйлайман: инсон ҳом сут эмган банда. Мен ҳам ўзимни хатолардан холи деб ҳисобламайман. Лекин мен озод Ватаннинг озод фуқароси бўлиш учун жон-жаҳоним билан ҳаракат қилишим шарт. Менинг қуролим — сўз, шеър... Мен шеър билан аввал ўзимни тозартирсам, қуллик заифликларидан халос қилсам, чинакам ватанпарварлик ўти билан ёнсам дейман.

Ватан — бор бойлигинг, кўзинг билан ўп,
Ватан — кўзларингда нур бўлиб турсин.
Халқим, заҳмат комисан — топганларинг, кўп
Топганларинг байрам, тўйга буюрсин.
Байроғингда ою, юлдуз тасвири,
Ой-юлдузлар аввал кўнглингга кирсин.
Тирик қалбда Ватан яшайди тирик,
Топганларинг байрам, тўйга буюрсин.
«Ўзбекистон» деган шон-шавкат билан,
Юртбоши эллардан-элларга юрсин,
Собит ҳар фуқаро юртга нажот, шаън.
Топганларинг байрам, тўйга буюрсин.

ҚУТЛИБЕКА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Фармонни ўқиб

МИЛЛАТ КАМОЛОТИ

Улуғ байрам арафасида муҳтарам Президентимиз томонидан яна бир фармонга имзо чекилди. «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» деб номланган ушбу фармонга берилган шарҳда шундай дейилган: «Маълум сабабларга кўра жами даромади кам бўлган муайян оилаларга ёки фуқароларга моддий ёрдам олиш ҳуқуқи берилади. Булар энг аввало вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси қисман ўз меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ва бемор бўлган оилалар, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа муҳтож оилалардир».

Жамиятда шундай қатлам борки, «ўз аравасини ўзи зўрға тортиб», рўзғорини наридан-бери тебратиб юради. Бундай кам таъминланган оилаларнинг, айниқса, мозор иқтисоди шароитига ўтиш даврида жиддий қийинчиликларга дуч келаётганлиги сир эмас. Яна бир нарса аёнки, бундай оилалар серфарзанд бўлади. Қаламкаш дўстларимдан бири: «Ўзбекдан, болани яхши кўрасанми, деб сўрашнинг ўзи жуда бемаънилик», — деб қолди.

Ўзбек азал-азалдан болажон, бола деса жонини фидо қиладиган болапарвар халқ. Демак, кам таъминланган оилалар замирида кўп болали оилалар тақдири, боғчалар ва мактаблар тақдири ва мамлакатнинг келажаги бўлган фарзандларимизнинг тақдири ётибди.

Соғлом ва маънавий етук авлодни тарбияламаган ва ҳатто бунга интилмаган жамиятнинг келажаги бўлмайди. «Оч одамдан қоч» деган ҳикматли сўз бекорга айтилмаган. Оиласи тўқ, фарзандлари саводли элгина ҳар жиҳатдан юксакликка интилади. Қорин ташвиши, кийим-бош муаммоси, рўзғор кам-кўстлари ҳал этилган лаҳзаларда ўз-ўзидан миллий онг, миллий маданият сари дадил қадамлар ташланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда мазкур фармоннинг миллат маданияти ва маънавий камолотини ўстириш жараёнида беқиёс аҳамияти бор.

Халқимиз орасида «жўжабирдай жон» деган гап бор. Бу гапнинг тагида ҳам кўп болали, ҳам кам таъминланган оила тушунчаси ётади. Бундай оилалар меҳнаткаш бўлади. Баъзилари ўзини-ўзи эплайди, баъзилари эса қанчалик елиб-югурмасин, бозор-ўчар қилмасин оилавий маблағи учма-уч бўлиб туради. Топганини у маошдан бу маошгача амаллайди. Ёки қарз олиб кун кўради. Шундай пайтда бундай оилаларга давлатнинг, ҳукуматнинг ёрдами ниҳоятда зарур.

Президент халқпарвар фармон қабул қилди. Энди ҳамма гап ижрочилар — вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва фуқаролар йиғинлари, оқсоқолларининг мазкур фармонни ҳалоллик ҳамда виждон билан бажаришларига боғлиқ. Ишқилиб, «шолининг кетидан айрим ғаламис курмаклар сув ичмаса» (ичганда ҳам тўйиб-тўйиб ичмаса), деган ташвишдамиз. Чунки кам таъминланган оилалар ичида етимлар, ногиронлар бор. Уларнинг ҳақига хиёнат қилиш ёки давлат томонидан ажратилган махсус маблағни кўзбўямачилик қилиб бермаслик жиноятларнинг жиноятлиги ҳисобланади. Бу миллат келажагига қилинган хиёнатдир. Бундай йўлга кирган кимсаларнинг юзларини Оллоҳ тескари қилсин... Юртимиз мустақиллик байрами оғушида. Шундай қувончли лаҳзаларда мамлакат ва миллат камолотини ўйлаб чиқарилган мазкур фармон ҳақиқида жиндай мулоҳаза юритишни лозим топдик. Чунки мустақиллигимиз ана шундай инсонпарварлик фармонлари билан умрбоқий ва мустаҳкам бўлади. Фармонни қувонч билан кутиб олган халқимиз дуоларга қўл очди. Халқнинг мўътабар дуолари ҳамиша, ҳар қачон мустақил юртимизни, элимизни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятлардан асрасин.

Ашурали ЖУРАЕВ.



ҚУТЛУҒ ОСТОНА

УЛҒАЙИШ

Бу йил Тошкент педагогика коллежини битириб, ўқитувчилар сафига қўшилдим. Мени йўлланма билан 41-мактабга ишга юборишди. Рости, дастлаб қаттиқ ҳаяжонландим. Чунки мазкур даргоҳнинг довруғини олдиндан эшитгандим. Ўтган йили бу ерда «Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ўтказилганидан хабардор эдим. Шунданми, мени қандай қабул қилишаркин, деган ҳаяжон-ҳадиқ билан остона ҳатладим.

Мактаб директори Назира Аҳмедова самимий, меҳрибон, юзидан нур ёғилиб турадиган аёл экан. Биринчи кунданоқ ўзларига яқин олиб, далда бериб, йўл-йўриқ кўрсатишлари хавотирларимни тарқатиб юборди. Мактаб жамоасига киришиб кетдим. Насиб бўлса, 2-синф ўқувчиларига дарс бераман.

Яқинда шаҳар педагогларининг анъанавий август кенгашида биз—ёш мутахассислар ҳам иштирок этдик. Бизни қувонтиргани — кенгашда тажрибали педагоглар биз — ёш мутахассисларни ўз оталиқларига олдилар ва шу ернинг ўзида янги меҳнат дафтарчаларини тантанали равишда топширдилар.

Мен шу ерда бир рамзийликни туйдим. Ҳаётда ҳамма нарса ўрин алмашиб бораверар экан. Катта авлод вакиллари бизга ишонч билдиришиб, жиддий масъулият юклагандай бўлишди. Ўзимни яна бир поғона улғайгандек ҳис қилдим. Устозлар ишончини оқласам, истиқлолимизга меҳнатим билан озгина бўлса-да, ҳисса қўшсам, ўзимни бахтиёр деб билардим.

Нодира ЗОҲИДОВА,
бошланғич синф муаллимаси.

ИМКОНИЯТЛАР МЕЗОНИ

Республикамизнинг мустақилликка эришуви туфайли халқ манфаати, давлат манфаати йўлида амалга ошириладиган ҳар қандай ишга кенг йўл очилди ҳамда ҳақ-ҳуқуқимиз қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилди. Эндиликда асосий вазифа — мустақиллик туфайли қўлга киритилган барча имкониятлардан тўла фойдаланиб, барча соҳаларда белгиланган режаларни муваффақият билан бажаришга эришишни таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, саксонинчи йилларнинг охирларига келиб республикамиз тил сиёсатида муҳим ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бу борадаги ҳатти-ҳаракатларнинг асосий натижаси бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида бошқа республикалардаги сингари Ўзбекистонда ҳам миллий тилнинг эркин ривожланишига тўсқинлик тобора кучайиб, ўзбек тилининг қўлланиш доираси борган сари торайиб бормоқда эди. Ниҳоят, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, халқимизнинг азалий орзу-истаклари рўёбга чиқди. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви билан эса ўзбек тилининг ривожланишига салбий таъсир этувчи ҳар қандай тўсиқ, хатти-ҳаракатларга чек қўйилди. Қисқа вақт ичида янги ўзбек ёзуви бўйича амалга оширилган бир талай ишлар фикримизнинг далилидир.

Талаб даражасидаги алифбога эга бўлмай туриб талаб даражасидаги ёзувга эга бўлиш мумкин эмас. Талаб даражасидаги ёзувсиз эса тилнинг ўз эгаси (халқи)га керакли даражада хизмат қиладиган тил бўлиши ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Кирилица асосидаги алифбо ва бу алифбо асосидаги ёзув ўзбек тилининг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб ривожланишини таъминлай олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Собиқ Иттифоқ даврида эса кириллица асосидаги ёзувдан бошқа ёзувга ўтиш ҳақида гапириш мумкин ҳам эмас эди. Мустақиллик шарофати билан турмушимиздаги жуда кўп муаммолар қатори, лотин ҳарфлари асосидаги янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги истакларимиз ҳам рўёбга чиқди. Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу алифбо асосидаги ёзувга ўтишнинг дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Келтирилган мисолнинг ўзиёқ мустақиллигимизнинг шарофати нақадар катта, беқиёс эканлигининг далилидир. Бу ўринда шуни таъкидламоқчи эдикки, очиғини айтганда, жуда кўп соҳаларда, жумладан, илм-фан соҳасида, мустақиллик туфайли эришган неъмат-имкониятлардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ, уларни тўла ишга солиб, халқ, давлат талаб этаётган натижаларни қўлга киритаётганимиз йўқ. Имконсизлик шароитида у ёки бу мақсадни амалга оширмаслик ночорлик бўлса, бор имкониятлардан фойдаланиб зарур бирор иш—вазифани бажармаслик гуноҳи азимдир. Шунинг учун барча соҳада мустақиллик берган имкониятлардан тўла фойдаланиб, ўз шахсий имкониятларимизни тўла ишга солиб мустақилликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш давр талаби, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифасидир.

Азим ҲОЖИЕВ,
ЎзФА мухбир аъзоси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

Ҳуқуқимиз, маънавият ва маданиятимиз қайта тикланганига уч йил бўлди. Ана шу қисқа фурсатда республикамиздаги барча тармоқлар қаторида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Энг муҳими, олий таълим тизимида ўз йўналишимиз, тажриба ва қарашларимиз борлиги намоён бўла бошлади.

Бугунги кунда чет эл олий ўқув юртларида қўлланилаётган илғор усулларни ижодий ўзлаштирмасдан, илмий муассасаларда эришилаётган назарий ва амалий хулосалардан фойдаланмасдан туриб, жаҳонга чиқиш қийин.

Ўзбекистон Республикаси билан ҳорижий мамлакатлар ўртасида имзоланаётган ҳукуматлараро, вазирликлараро битимлар, университетлар ва бошқа таълим марказлари таклифларига кўра мутахассисларни сафарга йўллаш, талабаларни ўқишга, ишга, малака оширишга, тажриба алмашишга юбориш эндиликда олий ўқув юртлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташаббуси билан 2011 киши, жумладан, 168 фан мутахассислари, 79 нафар аспирант, 1764 нафар талаба хорижий мамлакатларга илм олиш, тажриба алмашишга юборилди.

Илгарилари илмий алоқалар асосан халқаро конференция ва симпозиумлар орқали ташкил этилган бўлса, эндиликда тўғридан-тўғри алоқа боғлашга имкон туғилмоқда, биргаликда илмий тадқиқот ишлари олиб боришга, илмий ишлаб чиқариш марказлари ташкил этишга имкон яралмоқда. Шу ўринда Туркия, Миср, Хитой, Малайзия, АҚШ, Олмония, Франция ва бошқа мамлакатлар таълим вазирликлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигимизни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, АҚШнинг «Марказий Осиёга Беғараз Ёрдам» (САҒЕ) корпорациясининг Ўзбекистон бўлими республикамизда Марказий Осиё халқлари тили, маданияти, урф-одати, турмуш тарзи, иқтисоди ва тарихини ўрганиш ҳамда ўргатиш, Марказий Осиёдаги этник гуруҳларни ўрганиш, маориф тизимини рағбатлантириш борасида фаолият кўрсатмоқда. «Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти» (АКСЕЛС) АҚШ ҳукуматининг моддий ҳомийлиги остида иш юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан биридир. Мамлакатингиз қадимий маданиятга ва катта иқтисодий имкониятга эга.

Ли ПЭН,
Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши Раиси.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам ҳорижий мамлакатлар халқ хўжалигининг турли соҳаларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ижобий ишларни қилаяпти. Айни пайтда республикамизнинг йигирмадан зиёд олий ва ўрта махсус ўқув юртларида жаҳоннинг 70 дан ортиқ ривожланган мамлакатларидан 1600 нафар йигит ва қиз таҳсил кўрмоқда.

Истиқлол фан-техникамизнинг юксалишига, ўзаро илмий алоқаларни юксалтиришга, республикамиз йигит-қизларининг турли мамлакатлар халқларининг урф-одатларини, маданиятини, турмуш тарзини яқиндан ўрганишига, таълимнинг илғор усулларидан баҳраманд бўлишларига йўл очиб берди. Шунинг билан бирга истиқлол саболари ҳали зиммамизда олий ўқув юртларимиз фаолиятини янада жонлантиришда, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кўплаб вазифалар турганлигини ҳам кўрсатмоқда. Энг муҳими, биз мустақилликка эришдик. Уни мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Пўлатжон БОБОМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғи.

АЙЁМОЛДИ ХУШХАБАРЛАРИ

Узун тумани ҳокимлиги ва туман миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари бир қанча муддат муқаддам тил софлиги учун курашнинг янгича усулини қўллашга келишдилар. Йиғиндами, ўзаро суҳбатдами, кимда-ким атамақўм тасдиқлагандан ташқари русча сўзларни ишлатса... дўппидай қилиб ош дамлайди.

Ошхўрлик уларга қанчалик манзур бўлган-бўлмаганлиги ҳақида бир нарса дея олмаймизу, аммо хорижий сўзларни жойи келса-келмаса ишлатишга кўникиб кетган қурилиш ташкилоти каби идора раҳбарлари ҳам ҳар қандай даврда ҳеч тутилмай соф сўзлашни ўрганиб олдилар.

«Маърифат» мухбири мустақиллик арафасида бу воқеага шахсан ўзи гувоҳ бўлди.

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

ШОВОТ. Тумандаги 18-билим юрти талабалари республикамиз мустақиллигининг уч йиллик тўйига қизғин тайёргарлик билан келишди. Ўлар шу кунларда туман марказида ўзлари тайёрлаган, қишлоқ хўжалиги ҳамда рўзғорбоп буюмларни бозордагидан арзон нархларда сотишмоқда. Шунингдек улар 50 та парта, 40 та стол, 65 та стул ва мактаб учун зарур бўлганўқув қуролларини ўқувчиларга туҳфа этишди. Тушадиган маблағнинг бир қисми вилоятдаги болалар уйига ўтказиладиган бўлди.

Ҳ. ПОЛВОНОВ.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

Ватан остонадан бошланади, мамлакат истиқболи мактабдан. Тафаккур бешиги бўлган мактаб истиқлолимизнинг уч йили давомида қандай қиёфа касб этди, уни эртанги кунда нималар кутмоқда? Таълимнинг бош ислоҳотчиси ўқитувчиларимиз олдида турган вазифалар нималардан иборат?

Бу ва бу каби муҳим масалалар анъанавий август кенгашларида қизғин муноза-раларга сабаб бўлмоқда.

Чунончи, Тошкент шаҳар педагогларининг пойтахтдаги 279-мактабда ўтказилган анжумани «Халқ таълими ва соғлом авлод» шиори остида ўтди.

Бу бежиз эмас, албатта. Ёш, мустақил давлатимиз келажак авлодга умид кўзини тикмоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда давлатга қарашли бўлмаган жамғарма ташкил қилиниши, Давлат дастури ишлаб чиқилиши бу борадаги муҳим қадамлардир.

Соғлом авлод учун кураш — бу ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий саломатлик учун кураш демак. Анжуманда иштирок этган шаҳар педагоглари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ўз сўзларида бу муҳим масала таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаган ҳолда, қимматли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вазир муовинлари М. Султонов, Ҳ. Йўлдошев, навбатида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам ҳорижий мамлакатлар халқ хўжалигининг турли соҳаларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ижобий ишларни қилаяпти. Айни пайтда республикамизнинг йигирмадан зиёд олий ва ўрта махсус ўқув юртларида жаҳоннинг 70 дан ортиқ ривожланган мамлакатларидан 1600 нафар йигит ва қиз таҳсил кўрмоқда.

Истиқлол фан-техникамизнинг юксалишига, ўзаро илмий алоқаларни юксалтиришга, республикамиз йигит-қизларининг турли мамлакатлар халқларининг урф-одатларини, маданиятини, турмуш тарзини яқиндан ўрганишига, таълимнинг илғор усулларидан баҳраманд бўлишларига йўл очиб берди. Шунинг билан бирга истиқлол саболари ҳали зиммамизда олий ўқув юртларимиз фаолиятини янада жонлантиришда, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кўплаб вазифалар турганлигини ҳам кўрсатмоқда. Энг муҳими, биз мустақиллик эришдик. Уни мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир,

Пўлатжон БОБОМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғи.

Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқи асосида халқ таълими муассасалари ва ўқув юртлари ишини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тўғрисида» маъруза қилди.

Музокараларда сўзга чиққан халқ таълими ходимлари мактабларда миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, ўқувчиларни ўтмишга чуқур ҳурмат, Ватанга муҳаббат, бой анъаналарга садоқат ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

ВАТАН — НОМУС, ВАТАН — ИИМОН, ВАТАН — ЖОН!

ДИЛБАНДЛАРГА ЖОНИМ САДАҒА

Болалар уйига директор этиб тайинланганимда эндигина 26 ёшда эдим. Қонли жанглар давом этаётган 1942 йилда Тошкентнинг эски шаҳарида ташкил этилган болалар уйида ўтган 52 йил мобайнида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ердан уч ярим мингдан ортиқ бола мустақил ҳаётга йўлланма олди.

Ўз ҳаётимни болаларсиз тасаввур эта олмайман. Етим ва тирик етимларнинг бошини силашдан савоблироқ иш йўқлигини дилдан ҳис этганим учун баъзан чарчоқни ҳам унутаман.

Болалар ҳақида саховатли халқимизнинг, республика ҳукуматининг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб келаётирмиз. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 1989 йилда дала ҳовлимизга ташриф буюрганлари болаларимиз, педагогик жамоамиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Жамоамиз — байналмилал оила. Бу ерда ўнлаб миллат фарзандлари ака-укадек яшашади. Республикамиз ва ундан ташқарида яшаётган минг-минглаб фарзандларим ўз қадрдон уйларини тез-тез йўқлаб туришади.

Эртага Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллик байрами. Улуғ айём кунида кекса педагог сифатида бизга қутлов йўллаган барча шогирдларимни, ҳамкасбларимни, бутун халқимизни улкан байрам билан чин дилдан қутлайман.

А. П. ХЛЕБУШКИНА,
Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

●

ШУКРОНАЛИК

Халқимиз қадимдан устозларга ҳурмат билан қараган, уни уйининг тўрига ўтқазган. Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ўқитувчи обрў-эътиборини ошириш юзасидан амалий ишлар қилинаётганини кўриб турибмиз.

Минг шукрлар бўлсинки, ўқитувчиларга катта имтиёзлар берилди. Илгарилари бирон кўча ёки мактабга ўқитувчи хотирасини абадийлаштириш юзасидан мурожаат қилинганда, турли шартлар қўйиларди. Эндиликда пойтахтимиздаги кўплаб мактабларга ҳурматли устозларимиз номлари берилганлигининг гувоҳимиз. Биргина Катта Қаъни даҳасидаги 251-, 281-, 287-мактабларга Тўра Тўлаганов, Рустамхўжа Бобоев, Саъдулла Иноғомовлар номи берилди.

Педагогик жамоамиз ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, юксак имон-эътиқод руҳида тарбиялаш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Улуғ айём кунларида, жумладан, республикамиз мустақиллиги байрамида ана шу ютуқларимиз ҳақида ўқувчиларимизга ифтихор билан гапириб берамиз.

А. ВАҲОБОВ,
Чилонзор тумани Ислом Усмонов номидаги 200-мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.



Эртага мактабга бораман.
А. ТУРАЕВ сурат-лавҳаси.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Келди сумбуланинг қаюм кунлари,
Истиқлол боғлари шарбатга тўлди.
Биринчи қўнғироқ янгради яна,
Бугун мактаб бўлди!
Бугун мактаб бўлди!

Ойижон, байрамлик либосим кияй,
Тайёр қилиб қўйинг белбоғим, дўппим.
Бу йил Сизни фақат қувонтираман,
Аъло баҳоларга ўқийман, хўпми?
Қутлуғ Мадҳиямиз ёд олган укам
Тонгданоқ
ҳижжалаб
ўқир бинойи.
Кўрасиз, бир фарзанд бўлайликки биз
Эркин мамлакатга муносиб, ойи!

Сумбуланинг қаюм қаҳкашонида
Юраклар бир олам севинчга тўлди.
Биринчи қўнғироқ янгради яна,
Бугун мактаб бўлди!
Бугун мактаб бўлди!

Эргаш АБДУЛЛА

Отабек 6-синф ўқувчиси. У байрам арафасида таҳририятимизга шеър кўтариб келди. Лекин гап бу ерда фақат шеър ҳақида эмас. Отабек ёшида ёзилган шеърлар одатда ҳамиша шундай беғубор ва бирмунча оддийроқ бўлади.

Бизни қувонтирган нарса — Отабек ўзини истиқлол фарзанди деб билади, Ўзбекистон истиқболи Отабеклар қўлида эканлигини жажжи қалби билан ҳис этади.

Биз эса шу баҳона барча фарзандларимизга қарата «Истиқлол байрами, янги ўқув йилингиз муборак бўлсин, замонамизнинг навниҳол Отабеклари, дилбар Кумушлари!», деймиз.

АССАЛОМ, БАЙРАМ!

Ассалом, мустақил, ҳур Ўзбекистон
Биринчи сентябрь учга тўлган кун.
Серқуёш заминда сен боғу бўстон,
Шу шонли санадир мен туғилган кун.

Мен озод Ватаннинг ўғлиман азиз,
Букун мен учун ҳам қўшалоқ байрам.
Юртимиз посбони Ислом отамиз
Бизларга меҳрибон, ғамхўрдир ҳардам.

Кўчаю, маҳалла шаҳримда букун
Ўзгача манзара, чароғон диллар.
Эрта тонг саҳардан қушлар навоси
Карнай садосини етаклаб келар.

Эртага биз учун яна бир шодлик,
Мактабимиз сари қадам ташлаймиз.
Мустақил диёрга бўлиш-чун содиқ
Аъло ўқимоққа сабоқ бошлаймиз!

Отабек ИНОҒОМОВ,
Тошкент шаҳридаги 150-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

«ТИЛСИЗЛАР БИЛАН СУҲБАТ»

ТУРКУМИДАН

ҚОЗОННИНГ АРЗИ

Оғзим катта очгандим,
Гўшту ёғдан солишди.
Олов ёқиб тагимга,
Сўнгра қайтиб олишди.

ИГНА ОГОҲЛАНТИРАДИ

Мени кўпам қойима,
Бир кўзлиман, нетаман.
Эҳтиётсиз бўлмасанг,
Қўлга кириб кетаман.

ШОИР ҚАЛАМИ

Ёз деса бас, ёзаман,
Бироқ бироз озаман.
Эгам шоир, ўзим ҳам
Шоирликка аъзоман.

СОАТНИНГ СЕВИНЧИ

Эгам менга ҳар доим,
Диққат билан қарайди.
Ухлаб қолсам агарда,
Қулоғимни бурайди.

САҚИЧНИНГ ҚАЙҒУСИ

Ҳар гал мени
чайнашганда,
Жуда қўрқиб кетаман.
Ахир бирор фаросатсиз
Ютиб қўйса нетаман?!

«КАМТАР» ТОВУҚ

Камтаринман ҳаётда,
Шу ҳолимча қоламан.
Тухум туғсам, оламга
Ҳовлиқиб жар соламан.

ҚУНҒИЗОЙ

Мен ўзимни дунёда
Чиройли деб биламан.
Капалакнинг устидан
«Хунуксан», деб куламан.
Ҳашаротлар ичида
Мен жуда ҳам сараман.
Тенгсизману ҳусида,
Бироқ бир оз қораман.

ҚУЁННИНГ МУЛОҲАЗАСИ

Балки менинг аждодим
Филдек кучли бўлишган.
Зилдай оғир юкларни
Кўтаришиб юришган.
Етти пуштин билмоқлик
Менга қарзу бешакдир.
Қулоғимиз ўхшаш-ку,
Балки бобом эшакдир.

ДАФТАРНИНГ ЖАНЖАЛИ

Мунча ёлқов боласан,
Доим «икки» оласан.
Олсанг олу қўйнимга
Нима учун соласан?!

Солижон ХУДОЕРОВ,
Нуробод тумани халқ таълими бўлими услубчиси.

Олий нишон соҳиблари

ГУЛНОРАНИНГ «ОРОМ»И

Унинг сийрати суратидай гўзал, мукаммал. Чироқдек порлоқ кўзлари, сержаранг кулгулари табиатан дилбар бу аёлни янада кўзга яқин, жозибадор қилиб кўрсатади. Ҳар гал уни кўрганимда латофатига лол қоламан...

Гулнораннинг сийратида жисмидан улкан нимадир, аллақандай сеҳр, қудрат бор. У изланувчан, ташаббускор, қатъиятли, иродали. «Ором» болалар боғчасини оёққа қўйиш борасида тинимсиз елди-югурди. Натижа чакки бўлмади. У мудиралик қилаётган болакайлар маскани бугунги кунда барчани ўзига жалб этмоқда.

Меҳнат инсонни эмас, инсон меҳнатни безайди. Ҳар бир киши ўз касбини сидқидилдан севиб, унга ҳаётини, қалб қўрини бағишласа, кам бўлмайди. Буни Гулнора тимсолида яққол кўриш мумкин. «Гулнора бир аҳд қилса сўзидан қайтмайдиганлар хилидан. Боғча учун заҳар нарсаларни ундирмасдан қўймайди», — дейишади у ҳақида.

Бу рост гап. Гулнораннинг «боғчаси»га борганлар буни яхши билади.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 394-жажжилар ошиёни кўзни қувонтирарли даражада кўркам ва серҳашам. Бу ерда меҳнат аҳлининг 320 нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. Болалар кунни завқ-шавқ билан ўтказишлари учун боғчада барча шарт-шароит муҳайё этилган. Хоналар зарур жиҳозлар билан тўла таъминланган, дид билан безатилган. Лингафон ва компьютер хоналари ҳамиша кичкинтойлар билан гавжум. Инглиз тили хонасида эса улар жаҳон тилини ўрганадилар. Бичиш-тикиш тўгараги хоналарида керакли ҳамма ашёлар бадастир. Бу ерда қизалоқлар тарбиячи-чевар опаларидан бичиш-тикиш сирларини ўрганяптилар.

Ташкилотчи мудира яна бир яхши ишга қўл урди. Унинг саъй-ҳаракати туфайли боғча-мактаб очилди. Янги иморат қурилди. Республикамиз мустақиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда мактаб-боғчада илк сабоқлар бошланади.

Мактаб-боғча ҳозирча тўрт йиллик бошланғич таълимга асосланган. Дастлаб 22 нафар тарбияланувчи шу ернинг ўзидан мактабга ўтказилади. Улар асосий дарслардан ташқари этика, инглиз тили ва мусиқадан махсус таълим оладилар.

Гулнораннинг ғайрати ва шижоатига таҳсин ўқимай илож йўқ. Яқиндагина у туташ қошли, хипчабел, нозик-ниҳол қиз эди. Жисман заиф бўлгани, санъатга ошуфталиги сабабли Ҳамза, Юнус Ражабий номли мусиқа мактабларида сабоқ олди. Кейинроқ эса Глиэр номидаги мусиқа билим юртининг фортепьяно бўлимини тугатди. Болалар боғчасида ишлаб юрган кезларида Низомий номидаги педагогика институтида ҳам ўқиди. У боғчага мусиқа раҳбари бўлиб келган эди. Санъаткорнинг санъаткор эмас, балки педагог ҳам санъаткор. Келгусимиз вориси бўлмиш фарзандлар руҳий оламига таъсир этиб, унда эзгулик уруғини экиш ва комил инсон этиб тарбиялашнинг ўзи буюк санъатдир. Гулнора буни тўғри англади. Болажонларнинг мурғак орзу-хаёлларини, интилишларини чуқур ҳис этди.

У болалар дунёсига мусиқалар билан кирди. Нозик юракларни санъатга ошно этди. Кўп ўтмай «Ором» болалар дастасини тузди. Қозирги кунда бу дастанинг довруғи республикага ёйилди. Жамалак сочли қизалоқни Президентимиз кўтариб суратга тушган. Қизча мазкур боғчанинг тарбияланувчиси, Гулнораннинг энг ардоқли шогирдларидан бири Зуҳро.

Республикамизнинг муҳташам саройларида ўтаётган концертларда боғча ҳаваскорларининг ҳам иштироки бор. «Алпомиш», «Туркистон» ва бошқа концерт даргоҳларида улар мустақил равишда концертлар беришаётир. Тушум эса боғча фондига ўтказилмоқда. Бугунги кунда «Ором»нинг ҳисоб рақамида ҳомий ташкилотлар, сахий ота-оналар ўтказган, болаларнинг ўзлари ишлаб топган 50 минг сўм пул бор. Бу маблағ боғчани янада обод қилиш, дастага либослар олиш ва бошқа эҳтиёжларга харж қилинади.

Даста репертуари ниҳоятда ранг-баранг. Қўшиқлар ва рақслар учун куйларни мудиранинг ўзи яратади. Рақсларни ҳам ўзи саҳналаштиради. Либослар эса тарбиячи ва ота-оналар кўмагида тикилади.

У истеъдодли педагог ва ташкилотчи раҳбаргина эмас, балки Жамшид ва Жасур исмли ўғлонларнинг суюкли, меҳрибон онажонисидир. Фарзандлар ҳам онасидек идроклари кишилар бўлиб вояга етишди. Бири олий ўқув юртининг толиби бўлса, иккинчиси мактабнинг пешқадам ўқувчисидир.

Гулнораннинг хизматлари муносиб тақдирланди. У ҳукуматимиз Фахрий ёрлиқларини бир неча бор олди, 1994 йили «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Шунингдек, у «Халқ таълими фидойиси» нишондоридир.

Бу йилги байрам шодиёнасининг ҳам асосий тантаналари Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Унда пойтахтдаги ўн икки болалар боғчаси кичкинтойлари ҳам иштирок этади. Уларнинг ташкилий-тадбирий ишларига Гулнора Қўчқорова бош-қош...

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

СЎЗ — КУРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА

ОЗОД ЭЛНИНГ ҚИЗИМАН

Шу кунларда боғчамизда ҳам Мустақиллик байрами нафаси уфуриб турибди. Кўтаринки кайфият, янги режа асосида меҳнат қиляпмиз. Биринчи навбатда, болажонлар қалбига миллий руҳни сингдиришни мақсад этдик. Машғулотларда бунга катта эътибор бераяпмиз.

Келажагимиз вориси бўлмиш фарзандларимиз боғча ёшиданоқ чет тилини ўрганишларини давр тақозо этмоқда. Бу ўринда болаларга жаҳон тили бўлган инглиз тилини ўргатяпмиз. Натижа чакки эмас.

«Соғлом авлод учун» шнори ҳам диққат эътиборимизда. Боғчамизда физиотерапия, тиш касалликларини даволаш хоналари мавжуд. Унда малакали шифокорлар хизмат қилишаётир. Жисмоний тарбия машғулотлари ҳам намунали ўтказиляпти.

Эртанги кунимизни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Махсус хоналар замонавий компьютерлар билан ишлашга ихтисослаштирилган. Уларда мен машғулот олиб бораман. Машғулотимда Мустақиллик, машъал диёр тўғрисида кичкинтойларга тушунча беришга ҳаракат қиламан. Болакайларнинг компьютерларга бўлган қизиқишлари кучли.

Мустақиллик байрами кунлари ўзимни парвозга шайланиб турган турнадек бахтиёр ва енгил ҳис этмоқдаман. Озод элнинг ҳур фикрли, ҳур қизи бўлганимдан мамнунман...

Соҳиба ХУЖАХОНОВА,
«Шўртангаз» газ конлари бирлашмасига қарашли Нодира номидаги болалар боғчаси тарбиячиси, республика «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ғолиби.

МАКТАБ ХАНДАЛАРИ

ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Нега ярим орол деб айтамиз?

Ўқувчи: — Бизга ярми маълум, ярми номаълум бўлгани учун ярим орол деймиз.

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Қўшма гап қанақа бўлади?

Ўқувчи: — Тўғри гапга ёлғон-яшиқлар қўшилса, қўшма гап бўлади.

ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Сайроқи қўшиқушлар қаерларда бўлади?

Ўқувчи: — Зоология магазинида...

ФИЗИКА ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Предмет иссиқдан кенгайишига мисол келтир.

Ўқувчи: — Мисол учун қўйнинг иссиғида қовунлар ёрилиб кетади.

— Ойижон, — деди биринчи синфда биринчи кунни ўтказиб келган Вазира онасига, муаллимимиз қўшув-олувни билмас экан.

— Ростданми?

— Ҳа, бугун у мендан, иккига бирни қўшсак, қанча бўлади деб сўради.

БАХИЛНИНГ ЖАЗОСИ

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Бахил одам Қуёш чиққанда уйғонди. Ҳаммаёқ тиниқ, нурафшон, мунаввар, фусункор эди. Дили қора, бахил одамнинг бундан дардидунёси қоронғи бўлиб кетди. Оламга зиё, гўзаллик бағишлаётган Қуёшни кўрди-ю, икки қўлини баланд кўтариб дод солди:

— Эҳ, Қуёш, дунёга нега бунчалар кўп нур сочасан, нега бунчалар сахийлик қиласан?!

Бахил шундай нидо билан бақириб, Қуёшга қора ниятда тикилди. Саховатли Қуёш эса, шу пайт унинг кўзини эритиб кўр қилиб қўйди...

Ер юзида фақат шер Қуёшга тик қарайди, дейишади. Лекин у Қуёшга ҳасад билан эмас, мардлик билан, ҳавас билан тикилади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



1. Мусаввир, Ўзбекистон Республикаси герби муаллифи. 2. Она юрт. 3. Барот Бойқобиловнинг республикамизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган асари. 4. Марказий Осиёдаги энг қадимий китоб. 5. Тошкент воҳасига мансуб қадимий ғор. 6. Мустье даврига оид неандертал одам қолдиқлари топилган Бойсунтоғдаги маскан. 7. Асримизнинг йигирманчи йилларидаги миллий-озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири. 8. Тошкентдаги меъморчилик обидаси. 9. Темурийлар давлати ҳукмдорларидан бири, Мирзо Улуғбекнинг падари бузруквори. 10. Тарихчи, Алишер Навоий, Мирзо Бобур замондоши. 11. Самарқанддаги XIV асрга мансуб обида, мақбара. 12. Алишер Навоий достони асосидаги опера. 13. Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуднинг қадимий номи. 14. Ўзбек халқ достони. 15. «Қора олтин» топилган маскан. 16. Марказий Осиёдаги чўл. 17. Туркистондаги жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, сиёсат ва маърифат арбоби. 18. Тилшунос, шоир, «Олти тилли луғат» ва бошқа тарихий асарлар муаллифи. 19. Туркий халқлар яшовчи ҳудуд. 20. XIV асрда яшаб ўтган, шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган шайх, тариқат асосчиси. 21. Самарқанд воҳасидаги милоддан аввалги давр-дан бери мавжуд сув йўли. 22. Мумтоз, исёнкор шоир. 23. Амир Темур аёли шарафига қурилган меъморлик ансамбли. 24. Мумтоз мусиқа санъати тури.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Файзимат ҲОЖИМАТОВ!

Умрингизнинг 40 йилини маориф ишига, халқ фарзандининг баркамол билим олиш ишига сарфладингиз. Боёвут, Шароф Рашидов туманларидаги меҳнат фаолиятингиз, айниқса, алоҳида ўрин тутишини биз шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз яхши биламиз.

Маорифга бахшида умрингиз самараси, меҳнатларингиз зое кетмади. Ҳукуматимиз бир неча бор сизни муносиб тақдирлади.

Азиз устоз! Сизни 60 йиллик тўйингиз муносабати билан барчамиз чин қалбдан муборакбод этамиз, доимо соғ бўлинг.

Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими, касаба уюшмаси ва туман маорифчилари.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Бахром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00.